

Халқимиз “Йигит кишига етмиш хунар оз” деб бежизга айтмаган. Чунки хунардан бахт унади. Хунари бор одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун халқимиз ҳар бир кишининг хунарли бўлишини хоҳлади. Зотан, кишига хунарни болалигидан ўргатиб бориш, унинг ҳаёт қийинчиликларини сабот билан енгишида асқотади. Айниқса, болаларга хунарни мактаб парта-ларидан бошлаб ўргатса, яхши бўлади. Буни аллақачон англаб етган Тойлоқ туманидаги 11-мактаб жамоаси анчагина ютукларга ҳам эришмоқда. Мактабнинг меҳнат таълимни фани ўқитувчиси Рафиқ Воҳидов 1986 йилдан бўён шу мактаб ўқувчиларига дурадгорлик, темирчилик, чилангарлик, нақошлик каби хунарларни ўқувчиларга ўргатиб келмоқда. Бу яқин келажақда ёшлар ҳаётида қандай натижа бериши ҳаммага аён.

Суратда: ўқитувчи ўқувчилари билан ўқув машғулотларининг бирида.

Бурхон РИЗО олган сурат.



## OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 13 avgust kuni Oqsaroyda AQSh Quronli kuchlari markaziy qo'mondonligi bosh qo'mondoni general Jon Abizaidni qabul qildi.

Suhbat chog'ida ikki mamlakat o'rtaida harbiy texnikaviy hamkorlikni yanada rivojlantirish, terror-chilikka qarshi kurash, mintaqaviy xavfsizlikka oid masalalar muhokama qilindi.

## QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Baliqchilik tarmog'ida monopoliyadan chiqarish va xususiylashtirishni chuqurlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori matbuotda e'lon qilindi.

## ТАРИХ ВА МЕРОС

Истиқол бизга тарихимиз ва месомимиз эшикларини ланг очди. Бундай қарасак, ўтмиш бойлигимиз дунёга етгувчи бир хазина экан. Ота-боболаримиз яратган бу бойликлар жаҳоннинг яна қайси мамлакатида бор?

Тарих шундай бир уммонки, унинг на чеки бор, на чегараси. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса, воқеанинг ўз тарихи мавжуд. Ҳудди шунингдек ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос ривожланиш, пасайиш тарихи бор. Бирон кишидан ҳаётидаги муҳим бир ўзарини сўрасангиз, “Эй, бунинг тарихи узоқ” деб кўяди.

Агар бир инсон ҳаётидаги воқеанинг ўзи тарих бўлса, бутун бошли халқнинг тарихини тасавvur қиласизми? Ҳудога минг қатла шукурлар бўлсинким, ўзбек халқнинг минг минг йиллик тарихи ниҳоятда бой. Халқимиз тарихида неча бор юксалиш ва инқирозлар юз бермаган дейсиз...

Тарихда буюк шахсларнинг ўз



халқи ҳаётида, тарихида катта рол ўйнаганлиги, шубҳасиз. Ўзбек халқининг бундай фарзандлари эса беҳисоб ва бекиёс. Шунинг учун ҳам севимли адабимиз Абдула Қодирий “Мозийга қайтиб иш кўрмок хайрлидир” деса, хурматли Президентимиз Ислом Каримов “Тарихий хотириасиз ҳаётни, инсонлар тақдирини, ўз қисматини англашда қалбнинг, юракнинг ўрни бошқача. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётида “акл совук-конлигига” юрак ҳамоҳанг бўлса, янада яхши бўлади, дейдилар. Тарихан олиб қаралса — баъзан олижаноблик, инсонийлик ёвуз кучлар олдида кўпроқ енгилган.

(Давоми 3-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҶАГАНДА:

АДАБИЁТ  
ТАЪЛИМИДА  
ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯ

ёҳуд унинг ўзига  
хосликлари  
хусусида

4-бет

МАҚОМ –  
ХАЛҚИМIZ  
САНЪАТИНИНГ  
ГУЛОЖИ

5-бет

ИСТЕДОД  
ҒУНЧАЛАРИ

6-бет

БОҒЧА ҚУРАЁТГАН  
АКА-УКАЛАР

болаларга  
байрам совғаси  
тайёрлашасяпти

7-бет

КИЧКИНТОЙНИНГ  
КАТТА ОЛАМИГА  
ЙЎЛ

7-бет

YANGI DARSLIKLER  
VA QO'LLANMALAR  
YANGI DASTUR  
ASOSIDA

8-9-бетлар

МУАЛЛИМИ  
АВВАЛ

11-бет

“АДМИРАЛ”  
КРОССВОРДИ

16-бет



(Давоми. Боши 1-бетда)

Агар биз ўз тарихимизни, ўтмиш меросимизни, ота-боболаримизнинг қандай буюк кишилар ўтганигини яхши билмас эканмиз, уларнинг ишларидан ўзимизга сабоқ олмас эканмиз — аминманки, биримиз ҳеч қачон икки бўлмайди. Чунки ота-боболаримиз ниҳоятда иймонли, Мусулмон кишилар бўлишган, одамлар бирорнинг ҳақидан хазар қилишган.

Бугунги кунда ўз халқининг кўзиға чўп тиқаётганлар, ими-жимида ўз манфаати йўлида ишини битираётганлар, иймонини ҳам, танини ҳам қўшиб пуллаётганлар, "сенинг тарихинг кимга керак" дегувчилар топилиб қолар. Агар бундай кимсалар ўзининг қандай халқ фарзанди эканлигини англашганида, имонимиз комилки, бундай бўлмасди. Улар ота-боболаримизнинг ибратли ишларидан, тарихий меросидан ўрнак олишса яхши бўларди.

Ёшлида қишлоғимизда кўпни кўрган бир нуроний чўл сиймоси ҳеч хотирамдан кетмайди. У кексайиб қолганига қарамасдан қаерда йўл, кўприк бузилган бўлса тузашиб юради, унинг минганд әшагидаги хуржундан эса кетмон, ўроқ ҳамиша жой оларди. Хозир ундей кишиларни кам учратасиз, "маҳалла" деймизу, лекин ўзининг уйи олдиаги ариқни тозаламайдиган, шахарларда эса елим халтачаларда ахлатини ариқа отиб ташлаб кетаётганларни ҳам кўриш мумкин.

Салкам юз йиллик мустабид шўро тузуми даврида шундай авлодлар, тўғрисини айтганда, кўпроқ манкуртлар етишиб чиқди, улар ўз халқи ўтмишидан, ўз тили ва динидан ажралган оломонга айланди.

Шуниси қувонарлики, мустақиллигимиз туфайли бағри бутун, дунёга теран кўз билан боқадиган, ўз халқининг тарихини ва ўзининг қаердан келиб чиқсанлигини яхши биладиган, дунёнинг қаерига бора, баралла "Мен ўзбекман" деба оладиган авлод етишиб чиқмоқда. Илоҳим, уларга ҳеч қачон кўз тегмасин, бошига гард кўнмасин!

Ўзбек халқи азал-азалдан палағи тоза халқ, дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрни бор. Бу халқининг Ал-Хоразмийлари дунёга рақамларни, ал-жабр, лагорифмаларни бундан минг йиллар олдин бериб қўйиби. Билсангиз, бугунги кунда бутун дунёни эгаллаган компютер, интернетлар, космик алоқаларнинг асл илдизи бориб ана шу Ал-Хоразмий бобо кашфиётларига бориб тақалади.

Берунийнинг кимё, астрономияга оид кашфиётларига бутун жаҳон ҳайкал кўйса арзиди. Биргина шу олимимизнинг хизмати туфайли минералогия соҳасига асос кўйилган — олтин, кумуш, мис, темир каби металлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилмаган дейсизми?! Берунийнинг мисни олтина айлантириб бўлмаслиги ҳақидаги амалиётини эсланг, дengiz ортидаги юрт /Амрико/, бошқа сайёralар Еринг эмас, Күёш атрофида айланниши ҳақидаги назариясини эсланг. Буларнинг барчаси ҳали дунё уйқудаги ўзбек заминида яратилганлиги сир эмас-ку!

Темурийлар даври, Улуғбек ва Навоийнинг-ку ўзи бир достон. Мустабид шўро даврида дунёнинг етук зиёллари ўзбек олимларининг ишларини тан олиб, дунё миқёсида БМТ томонидан бундай улуг зотарнинг юбилейлари ўтказилиб,

асарлари нашр этилмоқда. Лекин уларнинг асл Ватани саналмиш Ўзбекистонда-чи? Ибн Синонек буюк табобат отасининг 1000 йиллик юбилеи 1980 йилда Республика мизда қандай ўтганигини биласизми? Ўшанда буюк алломанинг "Тиб конунлари" асари арзимас нусхада чоп этилганди.

Хозиргача кўпларимиз буюк бокалонларимизнинг номини айтиб мақтанимиз-у, лекин улар буюклигининг моҳиятини, хизматларининг нимада эканлигини яхши билмаймиз.

Мустақиллик туфайли занг босиб, чант босиб ётган тарихимиз ҳам янгиланди ва асл эгалари кўлига бориб тегди. Бу борада тарих фани бўйича ажойиб дарслклар, аввало, мактаб учун ёзилди, кейинчалик олий таълим дастурлари тузилиди.

Тарих бу фақатгина ўтмиш эмас, бу бизнинг бугунимиз ҳамдир. Юрагида ўти бор зиёли бугунги кунда юти ишига ўзини бағишилаган

халқлари ўз она тилларидан ташқари камида икки-уч тилни мукаммал ўрганишган.

Алишер Навоий яшаган даврда туркий тил — ўзбек тилининг жозибаси шу даражада юксаклика кўтарилиди, натижада бутун халқ орасида оммавий "шоир"лик — бадиҳагайлик авж олди. Айниқса савдо-состида, бозорлару расталарда қофияли тарздаги мулоқотлар юзага келган. Буларнинг ҳаммаси миллатнинг умумий маданий савиясими, дунёқараси ва онглилик дара-жасини, қалбининг нечоғлик гўзалигини белгилайди. Ана шу улуг анъананинг бугунги ворислари уни давом этиришлари, ўз она тиллари қаторида Шарқ, Европа халқлари тиллари ва бошқа дунёвий тилларни чўкур ўрганмоқлари лозим. Бусиз миллий қобиқда қолиб кетаверамиз. Жаҳон минбарига чиқолмаймиз. Тил қудратини, унинг бекиёс имкониятларини ҳозиргача бой бериб келдик. Бунга чек қўйиш даври келди!

Хармади-этиқоди ифодасидир. Маданият — жамиятнинг юзиидир!

Хонадон, остонасидан бошлангани каби маданият ҳам арзимагандек икир-чикирлардан — кўча ва иморатлардан, хонадонлардан, уларнинг ички ва ташки кўринишидан, унинг аъзолари киёфасидан, маросим ва тўй-томошаларидан, таомил ва удумларидан бошланади. Ҳар қарич ер учун масъулияти хиссидан, ҳар туп ниҳол учун жавобгарлик тўйғусидан бошланади. Жонзорларга раҳам-шафқатдан, атроф-муҳит гўзалликларидан завқ олиш укувидан бошланади.

Халқ маданий мероси — бебаҳо ҳазина. У авлоддан-авлодга ўтади. Авлодлар уни кўз қорачигидай асрар, бойитиб, ривожлантириб, келгуси наслларга узатадилар. Бизда шу силсила узилиб, ўзок йиллар давомида ўз маданиятимиз неъматларидан бебаҳра келдик. Энди маданиятимизга оид анъаналаримизни эслашимиз, тиклашимиз, турмушимизга қайтадан сингдиришимиз

нақошлик, кулолчилик, каштадўзлик санъати дурданларни, машхур атласимиз, миллий ўзбек зийнат буюмлари бугун ҳам жаҳонни лол қолдирмоқда. Улар бугун ҳам дид ва нафосатнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қўлмоқда.

Биз ўзок вакълар жаҳонга татигулик анъаналаримизга нописандлик билан қараб, ўзга тушунчалар, кўчирма удумлар, қарз гоялар доимида яшаб келдик. Бир қолипдан чиқсан бачканга, ҳашаки маҳсулотлар куршовида илдиз отган эпсизлик, дидсизлик сингари қусурларимиз ҳаётимизнинг ҳамма тармоқларига ўзининг хунук соясини ташлаб турар эди. Биз пала-партиш тикланган, наридан-бери жиҳозланган ўйларда яшар эдик. Хонадонларимизда ўтмиш хотиралари билан, аждодларимиз руҳи билан боғлиқ буюмлар йўқ. Албатта, инсон ҳаётини хонадон билан чекланмайди, лекин хонадон об-ҳавосида жамият иқлими кўзгудек акс этади, хонадон — юксак дид ва нозик маънавият бешиги, билим ва тажрибаларнинг синов майдонидир. Шу маънода одам ҳамиша ўз бошпанаси кўркига, унинг бадиий безакларига, анжомларига алоҳида аҳамият бериб келган. Кўл меҳнати буюмлари асосан шу талабларга жавоб беради.

Эндики умид факат ёшлардан. Хозир борки маданий бисот улар ихтиёрига берилиши, ижоднинг ҳар қандай турни рагбатлантирилиши, жамики имкониятлар маърифий мақсадларга сафарбар этилиши лозим. Айрим, ҳатто бекаму кўст давлатларда маҳаллий аҳоли учун музейларга кириш белуп қилиб кўйилган. Бизда ҳам, айниқса, ёшларга шундай хуқуқ берилиши айни мудда бўлур эди.

Ёдгорликларнинг, обидаларнинг одамлар кўз ўнгидаги очик турган на-муналари маҳсус чора-тадбирларсиз ҳам ўзининг тарбиявий хизматини ўтаб, сабоқ бериб келмоқда. Ёпик санъат масканларида тўплланган ноёб хазиналар ҳам маънавий озуқа бериши, тарғиб қилиниши керак. Улар ёшларимизнинг тасаввур уфқларининг кенгайтирилишига, лаёқат ва иқтидорларининг ўз вақтида кашф этилишига, камол тошишига ёрдам бериши шубҳасиз. Халқ амалий санъати — эстетик тарбиянинг бебаҳо калитидир. Биз бу сеҳрли ва жозибали олам эшигиги очиб қўйишимиш шарт.

Бир йигитга кирк хунар оз, деган нақл бор. Демак, халқимизнинг ижодий имкониятлари, тафаккур доиралари шу даражада серқирига ва сермазмун бўлган. Бугун эса қирқ хунарни эмас, ҳатто бир хунарни, кўпинча уни ҳам фақат қофзода эгаллаган, ҳатто мих қоқиши ҳам билмайдиган эркакларимиз бисёр. Бундай ахволда жамиятимиз қайга боради? Биздан нима қолади? Ахир олдинда авлодлар ҳукми, деган гаплар бор!

Мустақиллик халқимиз қаддини кўтарди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини белгилаб берди. Президентимиз айтганидек, «биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмайдимиз». Чунки бизнинг ҳам ўз давлатимиз бор. Эркимиз, хуқуқимиз ўз кўлнимизда. Биз Ватан учун, Миллат учун масъулмиз. Истиқол, Озодлик, Хуррият саодатини татиб кўрдик — бошимиз осмонга етди. Биз элу юрт, мустақиллик фидойиларимиз! Эмин-эркин яшанимиз учун шукр қилсан арзиди.

Барот БОЙКОБИЛОВ

# ТАРИХ ВА МЕРОС

бўлса, у чинакам Ватан фидойиси бўлса, бугунги кунги ёшларимизни ана шу ватанпарварлик, халқ-парварлик руҳида тарбиялаш ишига ўзларини бағишиласинлар. Бунинг учун уларнинг ўзлари мустақиллик йилларида нашр қилинган халқимизнинг минг йиллик тарихий асарлари билан яхши танишсан, чунки Мустақиллик шундай бир имконият берди, ундан фойдаланмаслик ноинсофлик бўлади.

\*\*\*

Инсоннинг суйиб ардоқлаган, тунлари бешигини тебратиб аллар айтган, унинг нурли келажагани башорат қилган тил — она тилидир.

Тил қанчалик гўзал, ранг-баранг, ифодага бой бўлса, унда инсон фикрлари, эл-элат орзу-йўлари шунчалик ёрқин, мукаммал ифодасини топади. Шундай экан, тил улкан, бебаҳо маданий бойликидир. Бу бойлик аждодлар томонидан узок йиллар мобайнида яратилади, сайдал топади ва авлодларга бир жавоҳир мисол етказилади. Афсуски, тарих филдирарининг ўз изидан чиқиб кетиши жонажон тилимизнинг гарифлашиб, юпунлашиб қолишига олиб келди. Унинг назокат, латифлиги ва жозибасига, жилвасию оҳангига пурт етди. Ўзимиз она тилимизни чегаралаб, миллий маҳкумликка, тобеликка ўзларига бориб келиб кетаётади.

БУТУН НУКСУ ЧИРОЙИНГ БИЛАН БИЗНИКИСАН, ОНА ТИЛИМИЗ!

\*\*\*

Ўзбекистон, биз, ўзбекларнинг дунёдаги энг ийрик миллий тарбиялардан бирининг ватани. Ҳар гўшаси ардоқли бўлган азиз ўлкамиз бизнинг хусниниз билан гўзал, бизнинг меҳримиз билан саховатли, бизнинг меҳнатимиз шуҳратимиз билан шавкатли. Унинг ҳозирги мавқеи, ахволи учун аввало ўзимиз масъулмиз.

Биз машаққатли уйғотиш ва изланиш йўлига қадам кўйдик, тарихан нозик даврга кириб бормоқдамиз. Мустақиллик, озодлик, эзгулини топади, табиийликнинг ҳам ўзини буриб юбора олмаслигини англаймиз.

«Ўз элингнинг улуг фарзанди бўлмоқ истасанг, она тилингни аспа. Ўзга элингн азизу мукаррарни бўлмоқни истасанг, энг аввали, унинг тилини эъзозла», дейди кексалар.

Олимлар ўтмиш аждодларимизнинг оламшумул маданиятидан, юксак билимдонлиги ва маънавий баркамоллигидан гувоҳлик беради. Жумладан, Ўтра Осиё ва Яқин Шарқ

Давлатимизнинг давлат тилини ҳақидаги қонунинг қабул қилинishi она тилимизнинг ривожланишига ёрқин йўл очиб берди. Энди ҳамма гап уни амалга оширишда қолган.

Тил алоқа воситасигина бўлиб қолмасдан, халқнинг фалсафий, бадиий, маънавий меросини, унинг бутун борлигини ўз елкасида кўтариб турувчи ўтмиш ва ҳозирги кун орасидаги мангу кўпрақидир. Тил — миллий тафаккур, миллий оңг, миллий тушунча, миллий ғоя, миллий дунёқараш ва маданият кўзгуси. Ўнга гард қўндириш асло мумкин эмас. Акс ҳолда фариблик, бечоралик, бепарвонлик гирдобига тушамиз.

Айни замонда тил ҳақидаги қонун — ҳаётда. Демак, Навоий яккашамаланган этганда қарор топган жамиятда киши ўзини эркин ҳис этади, қаркиммати баланд бўлади. Лоқал шу жиҳатдан ўз-ўзини ҳурмат қилган, юртни севгат ҳар киши маданият учун курашиши, унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Инсон насли шундай яралганки, атроф-муҳитни фақат ўзига хос назар билан кўради, ташки оламнинг кўпдан-кўп кўринишлари, хилма-хил манзаралари фақат хуш келган тақдирдагина онгидан жой олади, фақат қувончли ҳиссиятлар, мароқли таассуртлар ижобий хиссатларни шакллантиради. Шу сабабли инсоният ҳамиша гўзалликка интилган, тирикликтининг энг машаққатли даврларида ҳам нафосат талабларига риоя қилиб яшади.

«Ин

# ЗЎР ТАШКИЛОТЧИ, ТАЖРИБАЛИ УСЛУБЧИ



лан қадриидир. Жамоада ана шундай фазилатни муаллимлар талайгина. Ҳозир уларнинг сардори, мактаб раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Маргарита Афанасьевна Пакни чуқур мамнуният билан тилга олаяпман. Гап шундаки, у зўр ташкилотчи, етук услубчи, ўз фанини яхши билган ўқитувчиидир. Мактаб жамоаси билан биргаликда "Таълим тўғрисига" ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш милий гастури"ни ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатади. Ўқув жараёнига янги педагогик технологияни жорий этиб, чуқур ихтинослашган фанлар — математика, инглиз тили, француз тили, она тили ва агадиёт соҳаларида муаллифlik гастурларига алоҳига аҳамият беради. Шу боисдан ҳам уч йилдирки, мактаб ўқувчилари туман миёсига ўтказиладиган фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлдан бермай келади. Шу ўринда мактаб 1999 йилда ўтказилган "Йил мактаби" шаҳар кўрик-танловида совринли 2-ўринни эгаллаганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

**Ehtiram**

Дарвоқе, илм масканига иқтидорли болалар билан ишлашнинг ўзига хос йўли топилган. Иқтидорли болалар билан ишловчи ўқитувчилар ҳамда муайян фанларни чуқур ўрганувчи синфлар билан фаолият юритадиган муалимлар учун мактабда алоҳига қоидалар ишлаб чиқилган. Чунончи, ўқитувчилар:

— ўқув гастурларини бойшта олиш;

— таълим олувчиларнинг билим олишга интилиши кўнижмаларини рағбатлантира олиш;

— маҳсус ўқув режаси асосида ишлаш;

— табакалаштирилган равишда ишлаш, ўқувчиларга якка тартибда ёндашиш, уларга маслаҳатлар бериб бориш;

— асосли психологик-педагогик қарорлар қабул қилиш;

— ўзининг ўқув-тарбиявий фаолиятини таҳлил қилиб бориш;

— жамоавий ижодий ишлар учун материаллар тошиш ва тайёрлаш;

— зиддиятларни назорат қилиш ва бартараф эта олиш каби хусусиятларни ўзларига мужассам этган бўлишлари кеф.

Ўз-ўзини ривожлантириб борар экан, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорга "йланниб, натижалар, таълим самарандорлиги ҳам ошиб бораверади. Демак, бу жараён ўқитувчи кўп билган ё билан эмас, таълим олувчиларнинг ҳамда ўзининг мустақил ривожланиш жараёнини ташкил эта олганлиги билан

**Азамат ШОРАХИМОВ,**  
Тошкент шаҳар Чилонзор туманиндағи 195-умумий ўта таълим мактабининг сабик ўқувчиси

Педагогик технология ишлаб чиқариш технологиясидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қиласди. Педагогик жараённинг яхши натижа, самара бериши учун технологиянинг пухта лойиҳалаштирилганлиги ва амалга оширилиши етарили эмас. Бир шароитда яхши натижа берган технология бошқа бир шароитда бундай самара бермаслиги хам мумкин. Масалан, новатор ўқитувчи И.Н.Ильин ўзининг кўп ийллик тажрибалари асосида яратган технологияси билан катта мевафакиятларга эришган. Бироқ кўпчилик ўқитувчиларнинг мазкур технология бўйича олиб борган фаолиятлари яхши самара бермаган. Негаки, педагог мевафакиятнинг сири нафакат у қўллаётган технологияларда, балки унинг педагог-тарбиячи сифатидаги маҳоратида, болалар қалбига йўл топа олишида эканлиги унинг ҳамкаслари дикқат марка-

учун ўз-ўзини англаш жараёни ҳамдир". Кўринадики, инсон қайси касб соҳиби бўлишидан қатъи назар ўз ишига, машғулотига кунт билан, ишқ билан ёндашса, унинг бутун сир-асорорини, усул воситаларини мукаммал эгаллади, шу билан бирга ўз-ўзини англайди, шу соҳада камол топади. Ўқитувчи кимни ўтиурса, тарбияласа ўзи ҳам ўсади, улғаяди, донишмандлик касб эта боради.

Шундай ҳолатлар бўлади, дарс давомида ўринли-ўринсиз равиша кўплаб усул ва методлар қалаштириб ташланади. Натижада асарнинг бадиияти, жозибаси хиралашиб қолади, таъсир кучи камаиди. Адабиёт дарсларида асосан сўзнинг кучига, курдатига таъниш, фойдаланадиган усуллар мана шу мақсадга омухта бўлиб, сингиб кетадиган бўлсагина, уни қўллаш яхши самара беради.

Лари лозим. Ўқувчилар энг идеал қархамоннинг ҳам хатосини, кусурларини кўра олишлари, умуман, ҳар бир образни яхши-ёмон томонларини ўзлари кашф этишлари, танлаган йўли қандай сабаб, оқибатларга олиб келганлигини ўзлари таҳлил қилишлари лозим.

Немис файласуфи, педагог олим В.Одистерверг: "Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади", деб айтади.

Шу жиҳатдан ҳам адабиёт дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга ўз хулосаларини ягона ҳукм тарзида сингдириши мумкин эмас. Балки, ҳақиқатни излашга, топишга, ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари, эътиrozлари бўлишига ундаши лозим. Бунинг учун болаларни амалий фаолиятга йўналтириш, образга кириш, театрлашган киник саҳнадар кўйиш, баҳс-мунозаралар уюштириш,

## O'qituvchilarining avgust kengashlariga

# АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

### ёхуд унинг ўзига хосликлари хусусида

Зидан четда қолган. Ҳар бир ўқитувчининг, у қандай технологияни кўлламасин, ўз ўқувчилари билан ўзига хос муносабати, педагогик мумомаласи бетакордорид. Чунки ҳеч қандай технология жонли, ҳиссиётларга тўла инсоний муносабатлар, педагогик мумомала ҳамда маҳоратнинг ўрнини боса олмайди.

Айниқса, адабиёт дарсларида бу нарса ўзгача маъно касб этади. Адабиёт бошқа фанлардан фарқ қилиб, санъат сифатида инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тафаккурини, маънавий дунёсини бойитишида энг кучли восита бўлиб хизмат қолади. Адабиёт дарсларида ижодиёт, ҳис-туйғу, сезги, идрок, санъатни чегаралаб бўлмайди. Айнан адабиёт таълим ўқувчиларни ҳис-туйғулари орқали билишга, тафаккур қилишга, гўзлакни кўра олишга, дунёга бўлган муносабатини шакллантиришга имкон яратади.

Бошқа ўқув машғулотларида билим бериш устувор бўлса, адабиётда боланинг кўнгли билан, туйгулари билан ишланади. Бола учун адабиёт жараён, унинг илмий-назарий асослари ёки қандайдир саналарни ёд билиш мухим эмас. Бу нарса умри давомида керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Унга шундай нарса бериш керакки, ўша нарсасиз бугун, ҳозир яшаш мумкин бўлмасин ва шу билганига доимо, узоқ йиллардан сўнг ҳам қайта-қайта нигоҳ ташлашини.

Агар педагогик технология шахсга таъсир кўрсатиш санъати маъносини англатса, адабиёт ҳам худди шу вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи — дарснинг ижодкори. У тайёр технологияларнинг оддий ижрочи-сига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз йўлини излаши ва ишиёқ билан фаолиятга киришиши лозим.

"Заргарнинг ўз хунарига ишқи, — деб ёзган эди Жалолиддин Румий, — мадданинг ҳақиқий сифатларини англашга, бинобарин, унга ишлов беришнинг ўсун ва воситаларини эгаллашни заргар

шаволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалаш ва шу билан бирга баҳс-мунозара юритиш мадданиятини эгаллашларига шароит яратиши керак. Ўқитувчи ўқувчина ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, бола фикрларини хурмат қилиши, эшитиши, улар билан ҳисоблашиши, ўз фикрини ҳукм сифатида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташлаши мумхим.

Адабиёт таълимда ифодали ўқишнинг ҳам аҳамияти катта. Машғулотларда асардан парча ўқитувчи томонидан шундай ўқилиши керакки, ўқувчилар ҳайратга тушинлар. Зоро, болани ҳайратлантирмасдан туриб, ҳеч нарса ўргатиб бўлмайди.

Инсоннинг ўзлиги, ўз моҳияти дунёга, ҳаётга, табиятга, одамларга меҳрумхаббат асосида ўз оламини яратишида, яратганда ҳам ҳақиқат, эзгулик, яхшилик ва гўзалик қонунларига мувофиқ бўлган оламни яратишида намоён бўлади. Бусиз маънавий етук инсонни шакллантириб бўлмайди. Мана шу оламнинг бунёд этилишида адабиёт муаллимининг ўрни бекиёс. Ўқитувчи ўз моҳиятини англаб етган ва ўз Ватанини, унинг тараққиётни учун масъул инсонни тарбиялади. Ҳаётни, одамларни, дунёни севувчи ижодкор инсонни шакллантириш жараёнини бошқаради. Жараён маҳорат билан бошқарилса, инсоннинг ўзлигини англаши учун неғиз яратилади, бериладиган билимлар эса шу мақсадни амалга оширишининг асосий воситалари ҳисобланади. Мазкур жараёнига масъуллик билан ёндашилмаса, таълим ўзининг асл қимматини йўқотади. Шу боис ўқитувчиларнинг Август көнгашларида ўқитувчи томонидан шундай ўқилиши керакки, ўқувчиларни ташлашни.

Савол бериш ҳам санъат бўлиб, ўқитувчи буни чуқур англаши ва ўқувчиларга ҳам сингдириши лозим. Жўяли саволда қандайдир тушуниб етилмаган теранлик бўлади. Шу теранлик ўқувчиларни изланишга, асар мутолаасига чорлади.

Шунингдек, бадиий асар таълилида эътибор ижтимоий ёки типик ҳодисага, ҳаҳрамонга эмас, жонни инсонга қаратилиши жоиз. Асар ҳаҳрамонларини ижобий ва салбийга ажратиш тўғри эмас. Чунки ҳаётни таъкидлаб қўйиши — дарснинг ижодкори. У тайёр технологияларнинг оддий ижрочи-сига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз йўлини излаши ва ишиёқ билан фаолиятга киришиши лозим.

"Заргарнинг ўз хунарига ишқи, — деб ёзган эди Жалолиддин Румий, — мадданинг ҳақиқий сифатларини англашга, бинобарин, унга ишлов беришнинг ўсун ва воситаларини эгаллашни заргар

**Назира ФУЛОМОВА,  
РТМ Давлат тили бўлими  
бошлиғи**

Эфир тўлқинларидан ҳазин куй янграмоқда. Куйга омухташган сўзлар тингловчини шу қадар ўзига тортиб олади-ки, беихтиёр бошингиз у ён-бу ён бориб кела бошлайди. Худди Навоийнинг оҳу нолалари тараляяпти, дейсиз. Гёёки Оғаҳий ва Фузулий билан бир дақиқага дийдорлашгандай бўласиз.

Ўзбек мақом санъатининг "юлдуз"и даражасига чиқсан Ўзбекистон халқ артисти, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси Берта Давидова мумтоз қўшиқлари ила муҳлислар қалбини забт этди. У қандай қилиб шунчалар юксак обрўга эришиди? Санъат ва ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари қандай?

Бу саволлар жавобига қизиқсан муҳлисларимизни яна "Мехмонхона"га чорлаймиз.

— Берта опа, сиз ўзбек мақом санъатининг йирик вакилларидан бирилар. Дунё мусиқа санъатида бизнинг мақомчиликдек сехрли ва жозибадор тур йўқ, дейишади. Сиз мумтоз қўшиқчиликнинг асл илдизлари ва манбалари ҳақида нима деб оласиз?

— Мақом — ўзбек халқи қўшиқчилик санъатининг гултохи десам ҳам бўлади. Унинг асл манба ва илдизлари аждодларимизнинг бизга қолдирган бой меросидадир. Навоий, Фузулий, Оғаҳий, Саккокий, Румий, Жомий сингари улуғ зотларнинг ижодий мероси тугамайдиган ҳазина эканки, қанча ўқиб-ўрганмайлик, ижро этмайлик, адо бўлмайди.

Узоқ йиллар аввал америкалик мақомшунос Ўзбекистонга келганида раҳматли устозим Юнус Ражабий менга "Самарқанд ушшоғи" ни ижро эттириди. Чет эллик меҳмон хайратомуз киёфада бошини сарак-сарак қилиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда. Бир-икки йил аввал эса уйимиизга америкалик икки хоним ташриф буюрди. Уларга менинг манзилимни ўша мақомшунос бериди. Ҳозир ўша киши келган меҳмонларнинг айтишига қараганда, Америкада мақом гурухи очиби. Лекин ўша гурух ижросидаги ашулалар бизнинг мақом санъатимизчалик даражада эмаслигини ўзлари ҳам билишади. Ҳалиги хонимлар мен билан мақом санъати тўғрисида узоқ сұхбат куриши. Мен керакли маслаҳатларни бердим.

Мақом — катта ашула, шу боис катта куч ҳам талаб қиласи. Авж пардага чиққанда бутун кучни ўтика, кекирдакка эмас, балки димокқа, яъни бурунга ташлаш керак. Акс ҳолда ҳофиз кейинги мисраларни кўйлашга куч тополмай қолиши мумкин.

— Сизнинг қўшиқчилик оламига кириб келишиниз, дастлабки ижролариниз ҳақида билгимиз кела-ди.

— Болалигим Фарғонанинг Ёёён чўлларида ўтган. Эсимда, ҳом сурпдан тикилган халтамга китоблар солиб, чанг-тупроқли кўчалардан ўтарканман, радиокарнайдан таралувчи қўшикларни тинглаб, қотиб қолардим.

Тўртинчи синф маълумоти билан тўрт қиз Тошкентдаги медицина техникумига ўқишига олиб келиндиц. 1938 йиллар. Ҳамшира-акушер бўлиб Эски шахардаги 4-поликлиникада иш бошладик. Орадан уч йил ўтиб, уруш бошланб қолди. Ҳамширалар сув ва ҳаводай зарур. Ҳозирги Тошкент тўқимачилик комбинати госпиталида урушдан ярадор бўлиб

қайтганлар даволанишар, улар атрофида биз каби ҳамширалар гиргиттон эди. Ора-сира ўзим билганча ашулалар хиргойи қилиб юраман, ярадор аскарларга бу нарса махъамдек ёқади.

Кунларнинг бирида Имомжон Икромов бошчилигидаги санъаткорлар госпиталга концерт кўйгани келишди. Кўлтиқтаёқда юрган ярадор аскарлардан бирни уларнинг кулогига мен ҳақимдади шиғшибди шекилли, Имомжон ака мени саҳнага тортиқлади. Оқ, ҳолат билан саҳнага чиқибман дэнг, уялганимдан тўрт мисра ашула айтибману қочиб қолибман. Кейинчалик ана шу санъаткорнинг ёрдами билан Ўзбекистон радиосига бориб жойлашдим. У киши: "Шундай ширали ово-

## Мехмонхона



рофон олган қўшиқчи кўп вақт ўтмаёк, саҳна билан хайрлашишга мажбур бўлиб қолади.

Мамлакатимизда санъатни ривожлантириш учун қилинаётган ишларни қўллаб-куватлайман. Танловлар, анжуманлар ҳам шу мақсаддигида беш-үн киши ташқарида мени кутиб туришган экан. Эгнимда илдан тўқилган юбка, одмигина кофта, оёғимда калиш. Муҳлислар "Сиз Берта Давидовамисиз?" деб ишонкирамай қарашарди. Мен қайтадан ашула айтиб, уларни ишонтирган пайтларим бўлган.

кор сифатида бугунги катта ареналар ва ёш хонандарни кузатиб турсангиз керак?

— Саҳна — илоҳий жой. У керак бўлса кўтаради, кези келса туширади. Ҳар қайсики ҳолатда қолишсанъаткорнинг ўзига боғлик, Мен бу даражада, яъни ҳозирги санъаткорларга яратилган ҳашаматли концерт саройларидаги сингари саҳналарга чиқмаганман. Оддий халқнинг орасида кўп бўлардим. Эсимда, Андижон вилоятига концерт гастроли ўюнтирган йилимиз 10-15 мингтагача чипта сотилган. Ҳар концерта 10-12 тагача мақом йўлидаги ашулаларни гоҳ созандалар, гоҳ эса мусиқа асборларисиз ижро этганман. Ҳалқ юқ машинаси атровига жойлашар, биз санъаткорлар эса унинг устида ашула айтадик. На микрофон, на фонограмма бўлган ўша замонларда.

Ўзбекистон радиосининг мақомчилар гуруҳида узоқ йиллар узлусиз ишладим. Эсимда, илк бор "Муножот"ни ижро этган уруш йилларида беш-үн киши ташқарида мени кутиб туришган экан. Эгнимда илдан тўқилган юбка, одмигина кофта, оёғимда калиш. Муҳлислар "Сиз Берта Давидовамисиз?" деб ишонкирамай қарашарди. Мен қайтадан ашула айтиб, уларни ишонтирган пайтларим бўлган.

санъаткорнинг йўлида фовлар ҳам кўп бўлади.

— Ҳар қандай соҳада устоз-шогирдлик анъанаси кузатилади. Сиз ҳам устозсиз, ҳам шогирдсиз, шу ҳақдаги батафсилик фикрингиз...

— Устоз санъаткор даражасига эришган раҳматли Юнус Ражабийдан бир умр миннатдорман. Агар ул зот бўлмаганида, камина ҳофиз Берта Давидовага айланмас эдим. Тақдир мени ана шу кишига йўликтирди. Радиода бирга ишладик, у кишининг ўйига ҳам кўп борардим, ҳамиша эшиги шогирдлари учун очиқ эди. Раҳматли Ёкуб Ҳамидов, Максудхўжа Юсупов, Шоҳназар Соҳибов сингари устозларим ҳам бўлганки, улар бугун орамизда йўқ. Улар жаннати кишилар эди. Ўзимни эса улардек устоз даражасига чиқдим, деб айтольмайман. Лекин, мендан катта ашулани ўрганган Насиба ва Марям Сатторовалар, ҳеч кимга ҳали таниш бўлмаган Маҳбуба Саримсоқовларни шогирдим, деб тўла маънода айта оламан. Улар мен ижро этган "Сараҳбори оромижон", "Талқини баёт", "Савти наво", "Чапандози наво" каби мақом йўлидаги ашулаларни анча-мунча маромига етказиб кўйлашмоқда.

— **Хорижий мамлакатларда бўлганимисиз?**

— Чет эл гастроларида бўлмаганман. Аммо Канадада яшовчи укамнига меҳмонга борганиман. Атлас кўйлак эгнимда, кетиб бораётсан бир ўзбек йигити "Сиз Берта Давидов эмасмисиз?" деб сўраб қолди. Мен концерт беришга эмас, балки шунчаки қариндошларимни йўқлаб келганимни айтдим: Канадалик ўзбеклар мени шу ерда қолишга ундашди. Мен унамадим, киндиқ қоним тўкилган, умримнинг яхши-ёмон дамлари ўтган Ўзбекистонни ташлаб, ўзга юртда яшашни сира тасаввур килолмайман. Самолётда Ўзбекистонга қайта туриб, сумкамга солиб олган ўзбекча газетани ўқи-вериб, "латта" қилиб ташлабман. Ўғлим нимадир деб ҳазил қўлганди ўнда...

— **Мактаб йилларидаги кечган мухит, устозларингиз кўнглингиздан ўтганда, нималардан таскин топасиз, нималардан афсусланасиз?**

— Менинг туғилган йилим 1922 йил деб қайд қилинган. Онам раҳматли сен туғилганда тизза бўйи қор бор эди, деб эсларди. Ёёвондаги бадавлат хонандонда туғилган эканман. Хотирам заифлиги панд берди, қизим! Бу саволингизга аниқ-тиниқ жавоб беролмайман. Чunksi орадан салкам 60-70 йил вақт ўтди.

— **Сиз "Маърифат" газетаси орқали муҳлисларингизга самимий тилаклар билдириш имкониятига эга-сиз?**

— Ўқитувчининг меҳнати заргарнидан ўн чандон мураккаб ва ҳаддан зиёд машакқатли. Улар қаршисида бошим ерга теккунча эгиламан, куллук қиласман. Ана шу касб орқасидан нон топиб ёётган, бола-чақасини бўқаётгандар ҳамиша ардоқда бўлишсин.

**Суҳбатдош  
Х.ТЎЙМАНОВА**

Берта ДАВИДОВА:

# МАҚОМ — ХАЛҚИМИЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛОТОЖИ

зинг бўла туриб нима қилиб юрибсан? Сен санъат йўлидан кетишинг керак" деб ўз йўл-йириқларини кўрсатди. Ўшанда Ҳалима Носирова ижросидаги "Оку ойдин кечалар, оппогу ойдин кечалар" қўшигининг тўрт қаторини айтганим эсимда. Ҳамма чапак чалдию, менда уят хисси устун келиб саҳнадан югуриб чиқуб кетдим.

— **Хаётда аслини олганда, ҳамма нарса бир-бiri билан боғлик, Тыльим билан санъатнинг ўйғулигини нимада кўрасиз?**

— Тыльим билан санъат ҳам эгизак болалардай гап. Агар тыльим яши бўлмаса, бундай кишидан етук санъаткор чиқишига умид қилманг. Тўри, санъаткорга биринчи навбатда чиройли овоз керак. Лекин, у санъат тыльимини мукаммал эгаламас экан, ҳалқнинг кўнглидан жой ололмайди. "Чумчук сўйса ҳам қасоб сўйисин" деган мақол шу тобда эсимга тушиб қолди.

Тыльим турлари, муассасалари ҳозирга келиб юртимизда беҳад кўпайган, бу яхши. Жумладан, санъат йўналишидаги мактаб, лицей, коллеж, институт, қолаверса, ирик даргох — консерватория бор. Юқорида айтганимдек, тыльимни пухта эгаламаган санъаткор шоншуҳрат чўқисига чиқа олмайди. Фақат овозига ишониб, кўлига ми-

қулида микрофон, бунинг устига фонограмма. Ахир булар сунъий равишда овоз кучайтириш эмасми? Назаримда, улар ўз оёқларини тор туфлига тиққандай қилиб қўшиқ айтишади. Шеърни кўйга мослаб "чайнаса", қўшиқ чиқадими-йўқми, ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Бизнинг даври миздаги тартиблар бошқача эканлиги бот-бот кўз ўнгимдан ўтиб турди. Бадий кенгаш таркибида ёзувчи, шоир ва етук ҳофиз бўлар, ижрочининг сўзию мусиқаси, ҳатто ўзини тушишгача имтиҳон қилишарди. Шундан сўнггина радио ёки телевидениеда эфирга тавсия қилинарди.

Танлову анжуманларда санъаткорни фонограмма қотириб кўйишга тайёрласа, уларнинг ярим яланғоч шаклда бир талай рақосалар билан саҳнага чиқиши кўпчиликнинг энсасини қотиради. Қани ўзбекона маданият? Томошабин санъаткорни эшиши керакми, рақосани томоша қилиши керакми? Қисқаси, аралаш-куралаш манзаралар. Айрим хонандаримиз эса қўшиқ ижро этишдан ташқари тап тортмасдан кўз ҳам басталашади. Хонандалигини, бастакор бастакорлигини қилиши керак-да!

— **Санъаткор билан муҳлисларига бир-бiriга боғловчи нарса, бу саҳнадир. Сиз саҳнини кўп кўрган санъат-**

хозир санъаткорлар орасида ширави овоз соҳиблари бор. Улар ҳам чўлу биёбонларга, паҳтазору турди корхоналарга бориб, оддий халқнинг даврасида кўпроқ бўлишса, менимча ўз ижодининг гуллабашнашига ўйл очган бўлар эдилар. Пойтахтдаги, вилоят ва шаҳардаги саҳналар эмас, балки меҳнаткаш ҳалқ билан юзма-юз бўлиш хонандага кўпроқ обрў келтиради.

— **Берта опа, ўзбек фонотекасида сиз ижро этган қўшиқларнинг қанчаси ёзиб олинган ва улардан ёш санъаткорлар қанчалик даражада ўргана оларкинлар?**

— Фонотекада тахминан 1000 дан зиёд ашулаларим бор, уларнинг барчаси мақом йўлида. Фонотека-фонотека, ундан ўрганиш мушкүрор, деб ўйлайман. Ахир ҳали ўзим ҳаётман, келиб ўрганишса қанийди. Лекин, бундай ёш санъаткорлар камроқ, "Наво" ансамблидан қайсирид ыли бир хонанда келди. Овози дуруст. Орадан иккى кун ўтиб, ота-онаси менга таъна қўлди. Гёёки, уларнинг қизи бизникида анчадан бери турармиш, мен устозлик қилаётган эмишман. Мальум бўлди, у хонанда ота-онаси билан низо-адоватта бориб, анчадан бери уйига бормас экан. Мен ҳам ундан воз кечдим, ота-онасини норози қилиб юрибдими, бундай

Зомин туманинда Даштобод шаҳрида жойлашган 50-урта мактаб жамоаси ҳам таълим-тарбияни замон талаби даражасида ташкил этишга ҳаракат киляётган жамоалардан бири. Айни дамда мактабда 1519 нафар ўкувчи бор. Бу мактабда таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Мактабда 82 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 14 нафари олий тоифали, 26 нафари биринчи тоифали мурраббийлардир.

## ТЎГАРАКЛАР ҲАМИША ГАВЖУМ

Мактабда таълим-тарбия бе-ришда тўгараклар муҳим аҳами-



ят касб этади. 13 та фан тўгарагига ўкувчиларнинг барчаси қатнашади. Айниқса, "Моҳир қўллар" тўгараги ўкувчиларда катта қизиқиш ўйғотмоқда. Ўғил

болалар билан Амир Сайтов, қизлар билан машғулот ўтказишида Нортожи Маматкаримованинг маҳоратлари ўзгача. Тўгаракнинг 205 нафар аъзоси бўлиб, унинг 90 нафарини қизлар ташкил этади. Улар зардўзлик, тикувчилик, каштачилк сирларини ўрганмоқдалар. Зардўзлик гурухи қизлари вилоят кўригига қатнашиб, голиблар қаторидан ўрин олишига ҳам улгурдилар. Зардўзлик сирларини ўрганётган Сайёра, Фотима, Зухра Умматова, Гўзал Мусурмонова, Мақсада Тошмуродова ўзлари тайёрлаётган миллий каштачилк буюмлари билан турли кўрикларда муваффакиятли қатнашдилар.

Ўғил болаларнинг ёғоч ва темирдан турли хил буюмлар ясаши учун шароитлар мавжуд. Ўкувчилар томонидан тайёрланган темир ва ёғоч маҳсулотлари турли кўрикларда юқори баҳоланмоқда.

Бундан ташқари "Ёш қаламкашлар" тўгараги амалга ошираётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Чунки у мактабдаги барча ижодкор ёшларни ўзига бирлаштирган. Тўгарак ўз нашри — журналига эга. Тўгарак аъзоларидан саккиз нафарининг шеър ва ҳикоялари китобча ҳолида ҳам чоп

этилган. "Ўзбекистон ёшлари", "Эртаклар олами" деб номланган митти журналлар ўкувчиларнинг севимли нашрига айланган. Унда тўгарак аъзоларининг ижодидан намуналар, расмлар, кроссвордлар эълон қилинади.

Мактабда спорт тўгараги фан олияти ҳам кун сайин жонланмоқда. Унга Ильмира Светкова раҳбарлик қилади. Ҳозир таътил бўлишига қарамасдан, ка-

## Davr va yoshlar

ратэ, дзюдо, кураш тўгараклари ўкувчилар билан гавжум. Ўкувчилар таэквандо бўйича ўтказилган Жиззах вилоят ҳокими кубогида иккита биринчи ўринни ўлга киритиши. 6-синф ўкувчилари Олим Шербутаев ва Нуриддин Умаровлар ўз вазнлари бўйича чемпион бўлиши.

## ФАН ОЙЛИГИ – БИЛИМ БОЙЛИГИ

Маълумки, фанлар бўйича фан ҳафталиги ўтказиши анъана га айланган. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўкувчилар ўзлари қизиқсан фан бўйича амалга ошириши лозим бўлган ишлар учун бу муддат камлик қилади. Шунинг учун ҳам мактабда фан ҳафталиги фан ойлигига айлантирилган. Бир ой давомида ўкувчилар ўзлари қизиқсан фанлар бўйича турли тематик кечалар, савол-жавоблар, амалий учрашувлар, тренинглар ўтказиши имкониятига эга бўлмоқда. Ана шу фан ой-

лигининг натижаси сифатида ўкувчиларнинг фан олимпиадаларида иштирок кескин ошмоқда. Шу йилнинг ўзида беш нафар ўкувчи фанлар бўйича ўтказилган вилоят олимпиадасида муваффакиятли қатнашди. Мактаб туман олимпиадасида иккичи ўринни ўлга киритди.

## РУСЛАН – ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ГОЛИБИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, фан ойлиги давомида ўкувчилар ўзларининг бор билим ва маҳоратларини рӯёбга чиқарыш имкониятига эга бўлмоқдалар.



Ўкувчиларнинг рус тилига бўлган қизиқиши ва иштиёки баланд. Бунда тажрибали рус тили ўқитувчиси Наталья Камолованинг хизмати катта. 11-синф ўкувчиси Руслан Кенжаев

янгилек яратишни ўзларининг кундалик шиорига айлантирган.

**Абдулхаттон СОДИКОВ,**  
**"Ma'rifat" мухбири**  
**Суратларда: мактаб**  
**ҳаётидан лавҳалар.**

## Hamkorlik

— Ўкувчиларда Ватанга бўлган муҳаббат асосан миллий анъаналар ва урф-одатлар орқали шакллантирилади. Бу борада туман ҳалқ таълими бўлимида қилинаётган ишлар қай аҳволада?

— Туман ҳокимлиги, ҳалқ таълими бўлими зиёлилари аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш борасида тумондаги барча 64 та маҳалла фуқаролар йигинлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Таълим муассасалари томонидан маҳаллаларда маънавий-ахлоқий ҳамда маърифий ишларни олиб бориш бўйича ҳамкорлик тадбирлари тузилган. Ана шулар асосида бир канча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда аҳоли ўртасида миллий истиқболғояси, миллий мағкура, маънавий-хукуқий мавзуларда тушунтириш ишларини олиб борувчи тарбияботчи гурухлар ташкил этилган.

Келажагимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама етук кадр ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш йўлида таълим муассасаларида маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлиги мавзусида учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг маънавий ва ахлоқий, сиёсий ҳамда хукуқий онглини ўстиришдир.

— Ўсмир ёшлар ўртасида хукуқбузарлик, жиноятчилик ва гиёхвандликнинг олдини олиш мақсадида қандай ишлар қилинмоқда?

— Маҳаллаларда "Огоҳлик – давр талаби", "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асрар" каби бир қатор мавзуларда учрашувлар ташкил этилиб, маънавий-ахлоқий мухитни, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва хукуқбузарликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оила-

лар ва маҳаллаларнинг ўзаро аҳиллигини таъминлашга эришиб келинмоқда.

Ўкувчи ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳукуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ва гиёхвандликнинг олдини олиш мақсадида прокуратура, ички ишлар ҳодимлари, маҳалла фуқаролар йигинлари ва ота-оналар билан учрашув, сұхбат ҳамда ўкув семинарлари ўтказиб келинмоқда. Бундай олиб бо-

нинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиша фойдали ишларга жалб этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йигини билан ҳам ҳамкорлик қилинайтими?

— Ўкувчиларнинг оромгоҳларда ёзги дам олишларини ташкил этишда 60 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва етим болалар учун туман ҳалқ таълими бўлими маркетинг маркази томони-

"Хушёрликка даъват" асари асосида "Ўзингни унум" номли милли спектакль намойиш этилди. Бу ҳам маънавий-ахлоқий тарбия ишларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар жумласидандир.

**Суҳбатимизни спорт мавзусига ўзгартирасак.** Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳакида ҳам газетхонлар билан ўртоқлашсангиз.

— Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ва эътиборларни болалар спортини ривожлантириши борасидағи фармойишлари мисолида кўришимиз мумкин. Республикаимизнинг барча ўкувчи ёшлари қатори ўқитувчилари ҳам ушбу фармойишни илқутиб олдилар. Жойларда бу борада кўплаб хайрли ишлар, тадбир ва мусобакалар ўтказилиб келинмоқда. Биргина Хоразм вилоятида ўтказилган "Умид ниҳоллари – 2003" спорт мусобакаларининг республика босқичида туманимиздан спортивнинг стол тенниси тури бўйича 4 нафар, енгил атлетика бўйича 6 нафар ёш спорчилар вилоят шарафини муносиб ҳимоя кўндилар. Уларнинг эришган ютуqlari хисобига вилоятимиз терма жамоаси республикада фарҳли 4-урини геллади. Жумладан, 3-мактаб ўқувчиси Валентина Биссерова мазкур мусобакада ядро улоқтириш бўйича бронза медалини ўлга киритди.

Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантириши мақсадида спорт майдончалари талаб даражасида таъмирланди. Тумандаги Аҳча ва Хисорак қишлоқларида барча қулаликларга эга бўлган спорт майдонлари ташкил этилди.

Жорий йилда ҳалқ таълими тизими йўналишида 115 нафар 1-разряд, 12 нафар спорт устаси, 2300 нафардан ортиқ 2–3-разрядли спорчилар тайёрланди.

**Суҳбатдош Шоҳида ДАМИНОВА**

## ТАРБИЯДА МАҲАЛЛАНИНГ РОЛИ

Истиқбол йилларида кўплаб эзгу қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз, жумладан, ўз-ўзини бошқаришнинг миллий тизими шаклланмоқда. Жорий йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилингани маҳалланинг ўринини янада юксалтиримоқда. Бу, мамлакатимизда хукуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришининг ҳозирги босқичига, айниқса, ижобий таъсир кўрсатади.

Чуст тумани ҳалқ таълими бўлимида "Обод маҳалла йили дастури"нинг бажарилишида, аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда маҳалла билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Туман ҳалқ таълими бўлими назоратчиси Б. Раҳмонов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

рилган профилактик ишлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳукуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари олдинги йилларга қараганда кескин камайди. Ҳалқ таълими бўлимида қарашли мактаблarda ўқиётган 2273 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва 55 нафар етим болаларга ҳомийлар томонидан 16427893 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ёзги таътил давомида ўкувчилар-

дан 324000 сўмлик ота-оналар томонидан тўланадиган тўлов ҳомийлик ёрдами сифатида берилди.

2003 йилнинг 17 июнь куни "Мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектептер" ишлар чиқариш бирлашмаси, Республика "Турон" ёшлар театри томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг

Хали-ҳануз халқимиз орасида хайр-саҳоватли, савобталақ инсонлар кўп. "Бор борича, йўқ ҳолича". Нима дедингиз? Кимдир кичик, яна кимдир катта-роқ меъерда саховат кўрсатади.

Эштинг: жорий йилнинг эрта кўклинида косонлик отахон Чорибобо Ҳақбердиев ўғиллари Зиёдилло, Сайфилло, Зокир, Ориф ва Фарҳодни бир дастурхон атрофига жамлади.

— Болаларим, гап бундай, — дейа сўз бошлади отахон, — Худога шукр, ҳаммаларингизнинг рўзгорларингиз бут. Ҳаммаларингиз иш билармон, тадбиркор, биноидек пул топаяпсизлар. Энди биргалишиб бир каттароқ савобли ишга ҳам кўл уринглар. Маҳалла гузаримиздаги болалар боячаси биноси эрта-индин нурайман, деб турибди. Ўзим гувоҳман, ана шу бояча биноси 1942 йилда ҳашар йўли билан пахса девор қилиб кўтариб курилган. Аввалига мактаб бўлди, сўнг болалар боячаси. Гапнинг қискаси, ана шу болалар боячасига янги бино куриб беринглар. Мен ҳаммаларингизни бор-йўкларингизни ҳисоб-китоб қилиб чиқдим. Маблагнинг асосий қисмини Зокирбоб беради. Колганинг ҳам 5-6 миллион сўмдан Зокирга ёрдам қиласизлар...

Худди ана шу кунги ота фотоҳасидан сўнг фарзандлар бояча биносини янгилаш ишига киришиб кетдилар.

Маҳалла-гузар аҳли, Косон тумани ҳокимлиги ака-укалар ибратини кўллаб-куватлашди. Керакли қарор ва буйруклар, курилиш лойиҳалари тайёрланди. Ана ўша "Истиқол" болалар боячаси ҳовлисининг кўриниши кисмиде ер текислаш, пойдевор кўйиш ишлари бошланди.

Кичкинтояниң ўзига хос катта олами бор. У теварак-атрофдаги сизу биз илғамаган барча нарсаларни, турли оҳангдаги товушларни фарқлаш қобилиятига эгадир. Осмон улар учун бир ажойиб экран, дессан бўлади. Мовий осмондан оқ булутларнинг ҳаракатга келиши сирли бир оламдек, баъзиларини балиқча, бошқасини оқ айиқа, яна бирини филга киёс қилиб:

— Ана, ана, қаранг отлар югурмоқда, ана у томондан оқ кема келмоқда, — деб кувонади. Бирдан осмонни қора булат қопглайди. Шамол эсади, ёмғир томчилари шивалайди. Аввалига кичкинтояга қизиқ туолиб, "урре", "урре" деб ўз хурсандилигини билдиради. Ҳўл бўлиб кетган кийимларини ечишига шошилиб, уй томонга югуради. Ёмғир тиниб, кушларнинг чуғурлаши уни бутунлай мафтун этади. У ўзича дарахт шоҳларидан уларни қидиради. Улар овозидан шодланади, гоҳида уларга тақлид қилиб, сайдарни машқ қилади. Табиат болаларга битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлишини ҳисобга олиб, уларни кўпроқ очик ҳавода бўлишларини, сайру саёҳатларга олиб бориб, ўлкамиз табиати, улуғ инсонлар ўтган жойларини кўрсатиш, улар ҳақида болага тушунча бериш, инсон ҳар бир нарсага қодир ва қобилияти эканлигини изоҳловча мисолларни айтиб, айнан кўрсатиб, бунёдкорликка доир тушунчаларни улар онгига сингдириш, болаларнинг ички, ташки оламининг гўззалишишига, фикрлашга, тақлид қилишга ўргатиш лозим.

Бола қалби ҳис-туйғуға бой, уни мамнун этиб, қувонтирадиган нарсалар табиатда шунчалик сербеки, санааб адогига етолмайди киши. Ана, шаршара, қандай чиройли-я, деб бола дикқат-эътиборини шовуллаб тушаётган сувга, шаршараға тортиб кўринг-а? Бола аввалига унчалик эътибор килмаган бу манзарага узоқ тикилиб қолади. Кейин завқланиб, сизга саволлар билан мурожаат этади.

— Вой, бу сувлар қаердан келяпти? Нега кўпилиб оқмоқда? Энди улар қаерларга оқиб боради?

Шундай пайтда боланинг саволларига тушунали, содда қилиб изоҳ бериш, уни яна саволлар беришга ундаш лозим. Серсавол бола фаол бўлали. Абу Райхон Берунийнинг педагогик қарашларида кичик ёшдаги болалар фаолиятининг ривожланишида ўй-хаёллар, фараз қилиш каби инсон ҳаёти учун фойдали ва ўта зарур ҳолатлар бўлади, — дейди олим. Фараз қилиш орқали инсон кейинчалик нималар қилишни режалайди.



## БОҒЧА ҚУРАЁТГАН АКА-УКАПАР

болаларга байрам совғаси тайёрлашяпти

**Косонлик тадбиркор Зокир Ҳақбердиев ака-укалари билан ҳамкорликда ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан 90 ўринли болалар боячаси кураяпти**

"Ибратли ташаббуснинг қанотлари узун, парвози юксак бўлади" деганлари, ҳақ-рост экан. Косон тумани маркази ахли, идора ташкилотлар Зокир Ҳақбердиев бошлиқ ака-укалар бошланган ибратли ишни кўллаб-куватлашиб, кўл кучи билан бажариладиган барча ишларни ҳашар йўли билан битказишга кўмаклашмокдалар. Ўзимиз гувоҳ бўлдикки, "Истиқол" болалар боячаси ҳовлисининг кўриниши кисмиде ер текислаш, пойдевор кўйиш ишлари бошланди.

— Буюк истиқолимизнинг 12 йиллик байрами олдидан кичкинтояризига янги бинони совға қилишни ният килганимиз, — дейди Зокир Ҳақбердиев, — курилиш учун керакли жиҳозларни ўз вақтида келтириб бераяпмиз. Хозир ишимиз яхши кетаяпти. Насиб бўлса, айтилган муддатда бинони жажжи кичкинтояларга топширамиз.

— Бизни кечиринг, Зокиржон, — деймиз саховатли тадбиркор Зокир Ҳақбердиевга, — хайр-саҳоват ҳеч қачон усулда курилаяпти.

пул билан ўлчанмайди. Бирок, ҳамма жойдаем ҳисоб-китоб деган нарса бор. Айта оласизми, мана шу 90 ўринли болалар боячаси биносини куриб, тўла-тўқис битказиш учун қанча маблағ кетаяпти?

— Ака-укаларим, қолаверса, отам ҳам моддий жиҳатдан ёрдамлашияпти. Ишни бошлаш олдидан отам: "Асосий маблағни Зокир беради" деб "қарор" қилгандилар. "Қарор"ни бажарайпман. Саволингиз жавобига келсак,

ҳозир аниқ айта олмайман. Ҳарқалай тахминан 70–80 миллион сўм атрофидаги маблағ билан бино таҳт бўлса кетак.

Эндиғина 32 ёшга кирган, 3 нафар фарзандни тарбиялаб ўстираётган саҳоватли юртошими Зокир Ҳақбердиевнинг юқоридаги доно сўзларини тинглар эканман, ҳалқимнинг ўзбекимнинг тантлилигига, саҳоватлигига, юртпарварлигига ич-ичимдан тан бердим.

— "Истиқол" болалар боғчасида айни кунда 76 нафар кичкинтоя тарбияланаяпти, — дейди болалар боғчаси мудираси Жамила Негматова. — Бино миз ҳаддан ташқари эскириб қолган эди. Барака топишсин, Зокиржон бошлиқ ака-укалар 90 ўринли замонавий тиддаги бино куриб беришяпти. Жуда яхши курсандиз. Ҳаммамиз уларни бараварига алқаб турибмиз.

Бир пайтлар Япония давлатининг молиявий қудратини кўтариш учун япон оналари тақиб юрган қумматбаҳо тақинчоқларини хукматга тортиқ қўлишган экан. Ана шу гапни жаҳон мамлагатларининг оммавий ахборот восита-лари неча-неча бор эълон қилишмади, дейиз. Хўш, Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи отахон Чорибобо Ҳақбердиев, фарзандларининг кичкинтоялар келажаги учун кўрсатётган ушбу саҳовати ёзишга, керак бўлса, мақтани Зокир беради" деб "қарор" қилгандилар. "Қарор"ни бажарайпман. Саволингиз жавобига келсак,

**Абдували ОБИДДИН,  
"Ma'rifat" мухбари**

## Bolangiz maktabga tayyormi?

осмонда мазза қилиб сузиб юришар, атрофни кузатиб хурсанд бўлишар экан. Чунки ҳаммаёк чиройли, ям-яшил экан-да. Бир куни боласи она-сига:

— Ойижон, пастга қаранг, олов, олов! — дебди. Онаси қараса, бир уй лов-лов ёнаётган эмиш.

— Вой, одамларга ёрдам бериш керак, — деб-

билан уларни тарбиялаш, тартибга ҷакириш мумкин.

Яна шундай эртаклардан бири "Кўшики чархпалак" дир. Одамлар тепаликни обод килиш экан. Чархпалак ясасибди. Бу оддий чархпалак эмас, балки кўшик айтадиган чархпалак экан. У айланар, тепаликка сув чиқарип қувонар экан.

Айланаман, айланаман, Кўшик айтуб, қувонаман. Айланаман, айланаман, Челакларим тўлдираман, деркан.

Ўтиб бораётган одамлар унинг олдида бироз тўхтаб, чархпалакнинг қўшиғини эшитиб:

— Ажабо, биз ҳали бундай қўшики чархпалакни кўрган эмасдик, — деб уни мақтаб кўйишар экан. Чархпалак бундай мақтоблардан гуруланиб кетибди ва бир куни у сувга:

— Сиз сувлар индамай оқаверасиз, оқаверасиз, гапира олмайсизлар, — дебди. Сув эса индамай оқаверибди. Чархпалак ҳам аввалгидек айланаверибди. Кунлар ўтибди, тепалик сувдан баҳра олиб, яшнаб кетибди. Чархпалак эса ҳамон кўшик айтуб, одамларни хурсанд қўлар экан. Бир куни у сувга:

— Ҳой сув, сен нега қўшик айтишни билмайсан, ўргатайми, — дебди. Сув энди бу қинояга чидай олмай, арикларга бўлинниб, оқиб кетибди. Сув озайиб колган анхор иккى дўстнинг ишига хайрон қолиб, қуриб қолибди. Чархпалак эса айланолмай тўхтаб қолибди. Шунда ҳилган хатосини англаб, сувдан кечирим сўрабди. Яна анхор тўлиб оқа бошлабди. Чархпалак яна айланаб, қўшиқларини давом эттирибди.

Болаларга мақтанчок бўлмаслини ана шундай ўтили эртаклар асосида сингдириш лозим. Болалар дунёсида одоб-ахлоқ малакаларини хосил қилиш, ёшлиқдан тартиб-интизомли бўлиш, ўзинни англаш, шу тариқа ҳалқимизнинг бой урфодатларини ўрганиш каби яхши фазилатлар таркиб топади.

